



Билинг, халолни талаб этиш хар бир мусулмонга фарз. Аксари жохиллар халол йўк, деб даъво этадилар. Улар халолдан фақат Фрот дарёсининг суви ва ўт-ўланлар колди, холос, деб айтишади. Бундан бошқасини бузук маълумотлар фасод этди, деб сўзлашади. Вактики, бу хол уларга воқеъ бўлиб колса ва озик-овкатга мухтож бўлиб колганларини билишса, дархол шубха ва харом доирасини кенгайтирадилар. Бу билимсизлик ва нодонликдир. Дархакикат, Имом Бухорий ва Муслимининг «Сахих»ларида Нуъмон ибн Башир розийаллоху анхундан ривоят этилган хадиси муборакда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам мархамат килдилар: «Халол очик-ойдин, харом аник-равшан, уларнинг ўртасида халол ва харомга ўхшашлари мавжуд».

Ана шу жохилларнинг бу даъволари бидъатдан бўлиб, унинг зарари оммалашди, диндаги ёмонлиги хар тарафга таркалди. Халол билан харомни ва ўртасидаги ўхшашларни ажратишни билиш оркали бидъат фасодини фош этиш вожиб. Биз бунини бир канча қисмларда равшан баён этамиз.

Биринчи қисм. Халолни талаб этиш фазилати ва харомни коралаш, халол ва харомнинг даражалари хақида сўз юритиларкан, Аллох таоло хабар бериб айтади: «Эй расуллур! Халол нарсалардан енглар ва амали солих этинглар, албатта Мен килган амалларингизни билгувчиман» (Мўминун сураси, 51-оят).

Бу оятдаги «тоййибот» – яхши нарсадан мурод халол нарсалардир. Бас, Аллох таоло

солих амал этишдан олдин халол нарса тановул этишга амр этади. Аллох таоло харомни коралаб бундай дейди: «Ўрталарингизда мол-дунёларингизни ботил йўллар билан еманглар» (Бакара сураси, 188-оят). Харомни ёмонлаган бошка бир катор оятлар мавжуд. Абу Хурайра розийаллоху анху ривоят килишларича, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам мархамат килдилар: «Эй инсонлар! Дархакикат, Аллох яхши ва факат яхши нарсани кабул этади». Яна Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан ривоят килинади: «Сўнг сафари чўзилган, сочлари чанг ва тўзиган, кўлларини осмонга чўзиб: «Ё Аллох, Ё Аллох», дейди. Унинг таоми харомдан, суви харомдан, либоси харомдан, харом билан гизоланган. Кандай килиб унинг дуолари мустажоб бўлиши мумкин?» Имом Муслим ривоятлари. Бу мавзуда бошка хадислар ҳам ривоят этилган. Накл этилишича, Саъд бир куни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан дуоларининг Аллох хузурида мустажоб бўлишини сўрадилар. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам мархамат килдилар: «Таомингни халол этсанг, дуоларинг мустажоб бўлади». Ибн Ирокий бу хадисни аниқлаб, Имом Табароний ўзининг «Авсат»ида Ибн Аббосдан ривоят этган, деб айтди.

Салафи солихлар халол ризкка кўп ахамият бериб, унга кўп диққат-эътибор килганлар. Абу Бакр Сиддик розийаллоху анхунинг шубхали бир нарсани еб, сўнг уни кайт килиб ташлаганлари маълум. (Хазрат Абу Бакр Сиддик еган таомлари кохинларнинг харом ва ёмон таомидан эди... – тарж.)

ХАЛОЛ ВА ХАРОМНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Билинг! Дархакикат, халолнинг барчаси яхшидир, лекин баъзиси баъзисидан яхшироқдир. Чунки харомнинг хаммаси ёмон, аммо унинг баъзиси баъзисидан ёмонроқдир. Чиндан ҳам табиб барча ширин нарсада иссик бор, деб хукм этганга ўхшайди. Аммо у: «Бу биринчи даражали иссик, мана буниси иккинчи даражали, бу эса учинчи даражали иссик», деб айтади. Бунга мисол килиб нотўгри бўлган савдо шартномасини олса бўлади. Бу харом, лекин унинг даражаси зўравонлик йўли билан бир нарсани босиб олишлик даражасида бўлмайди. Балки босиб олишликнинг харомлиги улкан. Бунда ўзгаларга азият мавжуд. Касб-хунарда шариат йўлини тарк этишдир. Нотўгри савдо битимларида факат Аллохга бандалик этиш йўли тарк этилган, холос. Шу каби камбагал ё солих киши ёки етимдан зулм билан тортиб олинган нарса ҳам кучли ё бой-бадавлат ёки фосикдан тортиб олинганга нисбатан энг ёмон ва жуда дахшатли бўлиб хисобланади.

Пархезкорликда тўрт даража мавжуд:

1. Фатво такозоси билан харом этилган барча нарсадан кайтиш. Бу бирон-бир мисолга

мухтож эмас.

2. Четланиш вожиб бўлмаган, аммо мустахаб бўлган ҳамма шубхали нарсалардан пархез этиш. Бунинг зикри, иншааллох, шубхали нарсалар кисмида келади. Шу ўринда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам мархамат килдилар: «Сенга гумонли бўлганнинг ўрнига шубхасизини кўй». Имом Насайи, Термизий ва Хоким ривоят этишган.

3. Харомга тушиб қолишдан кўркиб баъзи халоллардан пархез этиш.

4. Аллох учун бўлмаган барча нарсадан пархезда бўлиш. Бу Аллохга содик бўлганларнинг пархези. Бунга мисол тарикасида куйидаги ривоятни келтирамиз: Яхё ибн Яхё Найсабурий дори ичадилар. Шунда у кишининг хотинлари: «Ховлига чикиб бир оз юрсангиз, дори таъсир этади», деб айтади. Унга жавобан: «Мен бундай юришни билмайман, ўттиз йилдан бери ўзимни хисоб-китоб этаман». Бу инсонга юришда дин билан боғлиқ бўлган ният ҳозир бўлмади ва ховлида юрмади. Бу пархезнинг нозик томонларидандир.

Хакикатан олиб караганда, пархез этишнинг аввали ва гоёси бор. Уларнинг ўртасида эҳтиёт бўлиш даражалари мавжуд. Инсон ҳар вақт каттиқрок эҳтиёткор бўлса, сирот кўпригидан тезроқ ўтади, хисоби ҳам енгилроқ кечади. Охиратда жаннат манзилларининг турлилиги пархез даражаларининг тафовутига кўра бўлади. Чунончи, зулм этишда харомнинг даражасига караб оташи дўзах ҳам шу тахлитда бўлади. Агар хохласангиз, кўпроқ эҳтиёт бўлинг, истасангиз, ўзингизга рухсат этинг. Ўзингизга ҳар доим эҳтиёт бўлинг. Нафс жловини бўш кўйманг.

ШУБХАЛАР ДАРАЖАСИ ХАМДА УЛАРНИ ХАЛОЛ ВА ХАРОМДАН АЖРАТИШ ХАКИДА

Саҳобий Нуъмон ибн Башир ривоят этган ҳадиси муборак уч қисмдан иборат – халол, харом ва улар ўртасидаги ўхшашликларга далолат этади. Бу уч қисм ичида ишқали ҳам мавжуд – бу ўртача даражада бўлиб, кўп одамлар уни билишмайди. Бу шубҳадир. Биз шубҳа пардасини кашф қилиб бундай деймиз: мутлақи халол унинг зотиға айни ўзини харом этадиган бирон сифат боғлиқ бўлмайди ва халолнинг сабабларига уни харом ёки макруҳ этадиган нарсалар ҳам боғланмайди.

Бунга мисол қилиб бир кишининг мулкиға – уй жойи ёки ериға тушишидан олдин ёмғирдан сув олган инсонни келтирамиз.

Хақиқий харом – унда харом этувчи сифати бор: ҳамр (ичкилик)даги шиддат, пешобдаги нажосатға ўхшаш ёки қайтарилган нарса сабабидан ҳосил бўладиган харом – зулм ва рибо билан ҳосил бўлган харомға ўхшаш. Бу икки мисол зохирдир. Бу иккисига ҳолати маълум нарсани кўшиш мумкин, аммо ўзгариши эҳтимол бўлади. Бу ўзгаришға далолат этадиган равшан сабаб йўқ. Дарҳақиқат, куруклик ва сувда ов этиш халол, аммо бир овчи қийик ёки балиқ овласа, буни бошқа бир овчи овлаган, кейин ундан қочиб кетганлигини эҳтимол этади. Бу эҳтимол ҳаводан ушлаб олинган ёмғир сувига татбиқ этилмайди.

Овдаги бу эҳтимолликнинг топилиши васвасачиларнинг пархезидир, зеро бу ваҳиманинг ўзи, унга бирон далил йўқ. Агар унга бирон далил бўлса эди, масалан, қийикда биронта қуйганға ўхшаш жароҳатни фақат уни ушлаганда топиш мумкин. Бу қуйишдан бошқа

нарсани ҳам эҳтимол этиш мумкин.

Шубханинг чегараси бир-бирига карама-карши икки эътикоддан вужудга келган, икки эътикод такозо этган икки нарсадир.

Шубханинг мисоллари жуда кўп. Улардан иккитасини айтиб ўтаемиз:

1. Халол ёки харом сабабидан шубха. Бу тўрт қисмга бўлинади:

Биринчи қисм – халолнинг олдин маълум бўлиши, сўнг халол этилган нарсада шакнинг вужудга келиши. Бундай шубхадан четланиш вожиб. Бундай шубхага келиш харом этилган. Мисол учун бир овни кўриб, уни ярадор этди, у сувга кулади. Тасодифан уни ўлик холда топди. Овчи унинг чўкиб ёки жароҳатдан ўлганини билмайди. Бу харом. Чунки асл – харомдир.

Иккинчи қисм – халолни билиш ва харомда шубха этиш. Асл халол бўлади ва унга ҳукм этилган. Мисол: бир куш учса, бир киши: «Агар шу учган куш қарга бўлса, хотиним талок бўлсин», деб айтади. Бошқа бир киши ҳам: «Агар шу учган куш қарга бўлмаса, хотиним талок бўлсин», дейди. Сўнг иш ноаниқ бўлади. Биз ҳар бир хотинда харомни ҳукм этмаймиз. Лекин парҳезга биноан бу иккиси бу ишдан четга чиқиши ва хотинларини талок этиши бўлади.

Учинчи қисм – асли харом бўлиши, лекин гумоннинг голиблиги билан халолни вожиб этадиган ҳолат вужудга келади. Бу шакли нарса, аммо халоллиги голиб. Мисол: овга ўк отади, ов кўздан гойиб бўлади, сўнг овни топиб олади. Унда фақат қамон ўқининг изи борлигини кўрди. Бу зохирда халол. Чунки эҳтимол этиш бирон далилга асосланмаса, у васвасага қиради. Аммо у овда урилганлик ёки бошқа жароҳат асари зохир бўлса, бу биринчи қисмга шомил бўлади.

Тўртинчи қисм – халоллик маълум бўлиши, лекин шаръан эътиборли сабаб билан гумон голиблигида тўсатдан харом бўлади. Мисол: бир кишининг ижтиҳоди бир муайян аломатга суяниб, гумонсираб икки идишдан бирини нажосатга ҳукм этади. Бас, унда сув ичишни харом этади. Шу қаби унда таҳорат олишни ҳам ман этади.

2. Харомга халол аралашиб қолиши, бунда иш шубхали бўлади. Бу бир неча хил бўлади: Биринчиси – бир ўлимтик бир халолга ёки ўнта халол сўйилган ва шунга ўхшаш адади маълум нарсага аралашиб қолса, мисоли синглисини бегона аёллар билан шубха этиш. Бундай шубхадан четланиш лозим бўлади.

Иккинчиси – чегараланган харом чекланмаган халолга аралашиб қолиш мисоли. Агар ўз синглиси ёки ўнта эмадиган чакалок катта шаҳар аёллари билан шубхадор бўлса, ахли ниҳоясида ижтиноб – четланишни лозим топмайди, балки у одам ўша шаҳардаги хоҳлаган хотинга уйланаверади, зеро уларни харом этишда катта машаққат вужудга келади. Шу қаби бир киши чиндан ҳам дунё молига харом қатъий аралашганини билади, бу нарса уни бир нарсани сотиб олишдан, еб-ичишдан тўхтата олмайди, чунки сотиб олмаса, ичмаса ва емаса, унга кўп қийинчилик бўлади. Расулulloх соллalloху алайхи васаллам асхобларига одамларнинг ичида рибоҳўрини билдириб қўйдилар, улар бутунлай дирхам билан муомала этишни тарк этмадилар. Расулulloх соллalloху алайхи васаллам даврларида бир совут ўғирланди, аммо одамлар совут сотиб олишдан тўхтамадилар. Бундай ҳолларда ижтиноб этиш васваса парҳезидан бўлиб ҳисобланади.

Учинчиси – беадад харом чегарасиз халолга аралашиви. Мисоли: хозирги замонимиздаги моллар ҳукми. Бир нарсанинг ўзини олиш бу аралашув билан харом бўлмайди, магар шу муайян нарсага харомлигича далолат этадиган аломат яқин бўлса, шунда у харомга ҳукм этилади. Мисол учун бир муайян нарсани золим султон қўлидан қабул этиш. Бас, агар унинг харомлигига аломат бўлмаса ҳам, уни тарк қилиб, ундан

пархез килади ва уни харом этмайди, зеро Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам ва у зотдан кейин хулафои рошидинларнинг замонларида шаробларнинг пули ва риболардан бўлган дирхамлар, хиёнатли ўлжа-ганиматлар бошка молларга аралашиб кетгани маълум эди. Сахобаи киромлар Мадинани талон-тарож этилганини ва золимларнинг тасарруфотларини ўз кўзлари билан кўрдилар ва бозордан бирон нарса сотиб олишдан ўзларини ман этмадилар. Агар бу тўғри бўлмаганда барча тасарруфотларнинг эшиги албатта беркилиб коларди. Одамларга фикс голиб бўларди. Лекин моллардаги асл – халолликдир.

Агар аслга бир нарса карши бўлиб, унга голиб бўлса, голиблигига эса белги йўк, у аслга хукм этилади, чунончи кўчалардаги лой ва мушрикларнинг идишлари хакида айтганимиздек. Халифа Умар розийаллоху анху насронийнинг кўзасида тахорат олдилар, вахоланки уларнинг хамр ичишлари, тўнгиз гўштини истеъмол килиб ва нажосатдан эхтироз (сакланиш) этмасликлари маълум эди. Сахобалар ошланган теридан тикилган пўстин ва бўялган кийимларни кийишарди.

Кимки (кунги) тери ошловчи ва кийим бўёвчиларнинг ахволини тааммул этса, уларга нажосат голиблигини билади. Бу шунга далолат этадики, хакикатда хам улар факатгина кўзга кўринган ёки унинг аломати бор нажосатдангина эхтироз (сакланиш) этишган. Аммо вахмни холат йўлига кайтаришда зарур бўлган гумонга эътибор беришмайди. Агар сўралсаки, улар поклик ишида жуда кенг йўлни тутишади ва харом шубхаларидан эхтироз (сакланиш) этадилар. Фарқи нима?

Жавоб бериб бундай деймиз: агар улар нажосат билан намоз ўқийдилар, деб айтишни хохласанг, бас, бу ботил. Агар хакикатдан хам улар эhtiёт бўлишлик вожиб бўлган барча нажосатдан эхтироз (сакланиш) этишади, деб айтишни ирода этсанг, бу тўғри. Аммо шубхага бўлган пархезлари уларни офати йўк нарсадан эhtiёт бўлишга ва офати бор нарсадан кўркиш йўлига чорлаган. Инсон нафси мол-дунёга мойил бўлади, нажосатлар хилофи кандай бўлса хам. Улар калбларини халолдан машгул килиб кўядиган нарсалардан узоқда бўлишарди. Аллох билгувчи.

Имоми Ахмад ибн Кудома Макдисийнинг
"Минхожул косидин" китобидан
Абдулхамид Мухаммад Турсин таржимаси